Ушбу сонда:

2 АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН —ЖОН!

3 *Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик* ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА...

4 СПОРТ СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 20 апрел, жума №60 (1074)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан

УЛАР МАНГУ БАРҲАЁТ

Юртбошимиз ғоя ва ташаббуси билан азим пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув соҳилида шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишланган — кўпдан-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган ерда қад ростлаган «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи одамлар билан гавжум. Бир вақтлар Алвасти кўприк деб ном олган, одамлар юришга юраги бетламаган жарликлардан иборат бўлган маскан муқаддас қадамжога айланган. Бўзсувнинг икки соҳили ям-яшил сайхонлик. Дов-дарахтлар, фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гумбаз, бежирим йўлаклар бу ерга ташриф буюрувчиларда ажиб бир кайфият уйғотади.



Муқаддас зиёратгоҳга қадам ранжида қилар эканмиз, унинг пештоқига битилган ёзувга кўзимиз тушади: «Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетганлар мангу барҳаётдир». Эҳ-ҳе 130 йиллик мустамлака даврида Ватанимизнинг қанчадан-қанча ўғлонлари озодликни орзу қила-қила тупроққа бош қўйдилар. Машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиб Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганлигини эслаш нақадар оғир. Ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, халқни уйғотишга умрини бағишлаган табаррук инсонларнинг жасадлари шу тепалик, жарликларда қолиб кетди.

Қадамжони зиёрат қилар экансиз, унинг ҳар бир қарич еридан шаҳид кетган юртдошларимизнинг нидолари эшитилаётгандек туюлади:

Чўлпон:

«Сўзла, англаб, ўтгандаги турмушинг.
Бутун қонли-шонли, жонли ерларинг.
Кўз олдингда жилваланур юрт учун —
Жонлар бериб, қонлар тўккан ерларинг»

Ёки саргардорликда озодлик, эркинликни қўмсаган Ботунинг «Ўғлим Эрклига» деган шеърида: «Чин эрк кулган ўлкада, Қўзим ўсиб турасан — янги, гўзал, дунёни, албатта сен кўрасан», деганида қанчалар ҳақ эди.

Мазкур ёдгорлик ҳақиқат ва адолат тимсолидир. У бунёд этилиши билан азиз аждодларимизнинг чирқираган арвоҳлари шод бўлди. Шу боис уларни ёд этиш, порлоқ хотиралари олдида таъзим бажо қилиш мақсадида бу ерга ҳар куни кўпдан-кўп юртдошларимиз келиб инсоний бурчни адо этмоқдалар.

Ҳа, ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб қурбонлар берган ота-боболаримиз жасорати хотирамиздан ҳеч қачон ўчмайди.

Барно СУЛТОНОВА.

Инсон омилига эътибор

ЁШ МУТАХАССИСЛАРГА УЙ-ЖОЙЛАР

Бухоро вилояти Алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 2300 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган. Улар мустаҳкам ижтимоий ҳимояга олинган. Жамоа шартномасида аёлларга қўшимча имтиёзлар киритилган. Хусусан, уларнинг иш вақти бир соатга қисқартирилди. Икки ёшгача бола тарбияси билан шуғулланаётган беш ходимга қўшимча равишда моддий ёрдам кўрсатилди.

— Ходимлар ўртасида меҳр оқибат кучайиб бораётганлиги бизни қувонтиради, - дейди касабақўм раиси Умрихон Фахриддинова. - Зеро, қаерда инсон омилига эътибор кучайтирилган бўлса, ходим меҳнати қадрланиб, у моддий ва маънавий жиҳатдан вақтида рағбатлантирилса, ташаббус кўрсатиб ишлайди. Жамоамизда ишлашни орзу қилганлар кўпаяётганлиги ҳам шундан.

Касаба уюшма қўмитаси ёш мутахассисларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шароитлар яратиш масаласига ҳам эътиборни кучайтирган. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 нафар ёш оилага қарийб 300 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кимлардир имтиёзли йўлланмалар асосида сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини мустаҳкамладилар. Маъмурият, касабақўм ишловчиларнинг таклиф-мулоҳазалари билан қизиқиб боради. Шу тариқа уй-жой муаммоси ҳал этиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўзида беш ходим янги уйларга кўчиб ўтди. Малакали ишчилар алоқа воситасидан бепул фойдаланишади. Бундайлар 880 нафар кишини ташкил этади. 1 миллион 611 минг сўмлик телефон тўлови маъмурият ҳисобидан тўланди.

Ҳаёт мураккаб. Баъзида кутилмаган воқеалар бўлиши табиий. Ана шундай кезларда касаба уюшма аъзолари ёрдамга келадилар. Жумладан, бир вақтлар тизимда фаолият юритган ва ҳозирда ёрдамга муҳтож 50 нафар кишига 415 минг сўмлик мадад кўрсатилди. Меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчиларисиз бирон тадбир ўтказилмайди. Табаррук кишилар ёшлар билан учрашувларда ҳаётни севиш, Ватанга содиқ ўғлон бўлиш, мустақилликнинг қадрига етиш хусусида кўп бор уқтирадилар. Буларнинг ҳаммаси алоқачилар ўртасидаги ўзаро ҳамкору ҳамжиҳатликнинг тобора мустаҳкамланиб бораётганлигида, эришилаётган меҳнат ютуқларида ўз ифодасини топмоқда.

Қ.ШОКИРОВ,
«Ишонч» мухбири.

КОГОНДА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Когон шаҳар ҳокимлиги меҳнат бўлимининг ташаббуси билан меҳнат бозори ярмаркаси ўтказилди.

— Шаҳримизда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, иш ўринларини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳнат бозорида 55 та корхона ва ташкилот 103 та ишчи ўрни билан иштирок этди, - деди шаҳар ҳокими М.Худоёров «Туркистон-пресс» мухбирига. — Биз одамларни, хусусан ёшларни иш билан таъминлаб жуда кўп муаммоларни ечамиз. Аввало жиноятчилик камайиб оилалар даромади ошади. Ишсизликни камайиши шаҳар иқтисоди учун ҳам фойдали. Меҳнат бозорида «Бухорогипс» ҳиссадорлик жамияти, шаҳар халқ таълими бўлими, шаҳар марказий касалхонаси, 6-вакиллик корхонаси, «Геофизика», 9-йўл хўжалиги корхонаси, 3-Бухороқурилиштаъмир ҳиссадорлик жамиятлари томонидан 96 нафар иш сўраб мурожаат қилганларнинг 62 кишига ишга жойлашишига далолатнома берилди.

СИҲАТГОҲГА ИМТИЁЗЛИ ЙЎЛЛАНМА

Ўтган йилнинг охирлари эди. Касабақўм қўмитаси раиси Ҳафиза Колжанова корхона раҳбари ҳузурига кирди.

— Ҳабиба опа Исломова билан Татьяна опа Зотовалар пенсия ҳужжатларини расмийлаштириб бўлишибди, - деди у. — Уларни кузатиш маросимини ўтказиш масаласида маслаҳатлашгани кирган эдим. Иккала онахон шу ерда узоқ йиллар ишлашди. Ҳалол меҳнат қилиб обрў-эътибор топишди. Муносиб шогирдлар тайёрлашди.

— Албатта, - унинг сўзини қувватлади Тожибой ака Ғаниев. — Анъанамиз бўйича яхшилаб нишонлаймиз. Пенсия ёшига етиб, кексалик гаштини суриш ҳаммамизга ҳам насиб этсин. Тайёргарликни бошлайверинг, қандай ёрдам керак бўлса, биз тайёр.

... Айтилган вақтга ҳамма йиғилди. Дастурхон ноз-неъматларга тўлди, ош тортилди. Раҳбарлар, ҳамкасблар, шогирдлар, дил сўзларини айтдилар. Сўнг пенсияга чиқаётганларга биттадан гилам совға қилинди. Шу куни иккала аёл ўзларига кўрсатилган иззат-икромдан кўнгиллари тоғдек кўтарилди.

Қуйи Чирчиқ тумани матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли нон ишлаб чиқариш корхонасида инсон омилига алоҳида эътибор бериляпти. Ўқув ва соғломлаштириш муассасаларига ҳомийлик қилиш ҳамда жамоа аъзоларини ижтимоий ҳимоялашни ҳам маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси фаоллари ўзларининг энг муҳим ишлари, деб билишади. Бунга кўплаб мисол келтириш мумкин.

Бултур Беруний номли хўжаликда Оналар ва болалар сиҳатгоҳи қурилиб фойдаланишга топширилган эди. Унинг 2001 йилда ҳам бенуқсон фаолият кўрсатиши учун ушбу корхона 800 минг сўм ажратди. Шунингдек, тумандаги 16-ўрта мактабни таъмирлашга 200 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди.

Мазкур корхонада 140 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Уларнинг қарийб учдан икки қисми хотин-қизлардир. Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, деганларидек улар навбатма-навбат фарзандлари билан сиҳатгоҳларда даволанадилар, саёҳатга чиқадилар. Сарф-харажатлар маъмурият ҳисобидан қопланади.

— Ўтган йили ўн икки нафар ишловчи аёллар болалари билан Паркентда дам олиб қайтишди, - дейди касабақўм етакчиси Ҳ.Колжанова. — Аъзоларимиздан иккитасининг фарзанди нафас қисиш касаллигидан қийналарди. Болалар Зоминдаги сиҳатгоҳда саломатлигини тиклаши учун 40 минг сўм ажратилди. Хумсондаги болалар оромгоҳига юборилганлар учун 80 минг сўм ўтказиб берилди. Ҳозир ёзги оромгоҳга борадиганлар рўйхатини олиб боряпмиз.

— Йил бўйи иссиқ тандир олдида туриб нон ёпган одам сўлим табиат бағрида дам олиши керак, - суҳбатга қўшилди новвой Раъно Хўжамқулова. — Бундай имконият яратаётган касаба уюшма қўмитасидан миннатдормиз.

Айни кунларда корхонада 8 турда нон, 4 хил булочка, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. 2001 йилнинг биринчи чораги режалари ҳам ортиғи билан бажарилди. Ноз-неъматлар харидоргирлиги эса маҳсулот сифати яхшилигидан далолат беради.

Тожибой ака тадбиркор раҳбар. Доим ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш, нон ва ширинликлар турини кўпайтириш йўлларини излайди. Шунингдек, корхона қошида лимонад ва музқаймоқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Иссиқ кунлар яқинлашгани сайин унинг истеъмолчилари кўпаймоқда. Мазкур цехда 20 киши иш билан таъминланган. У ерда ҳар куни бепул иссиқ овқат тайёрланади.

Шуниси эътиборлики, охирги йилларда ушбу корхонада биронта ҳам кўнгилсиз ҳодиса рўй бермади. Сабаби, техника хавфсизлигига қатъий риоя қилинади. Муҳим ишга малакали муҳандис Баҳодир Ҳасанов масъул. Унга алоҳида хона ажратилган, зарур қўлланма ва йўриқномалар билан таъминланган. Вақти-вақти билан машғулотлар олиб борилади.

«Она ва бола» давлат дастури бажарилишини таъминлаш юзасидан ҳам ҳайрли тадбирлар белгиланган. Жумладан, июн ойида туман матлубот жамияти тизимидаги жамоалар ўртасида спартакиада ўтказиш режалаштирилган. Унинг олдингиларидан фарқи шундаки, мусобақаларда она ва бола биргаликда иштирок этади. Ғолиблар муносиб тақдирланади ҳамда вилоят миқёсидаги баҳсларга йўлланма олади. Ҳозир корхонада бунга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Май ойида корхонамиз шарафини ҳимоя қиладиган оналар ва болаларни саралаб оламиз. Улар пухта тайёргарлик кўришлари учун имконият яратамиз-дейди касаба уюшма қўмитаси раиси.

Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Ишонч» мухбири.

ТАЪЗИМ

Жиззах вилоятидаги бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари Ватанимиз озодлиги йўлида жон фидо қилган асл ўғлонларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида хиёбон барпо этиш ташаббуси билан чиққандилар. Вилоят ҳокимлиги қимматли ташаббусни қўллаб-қувватлади. Неча кундирки, махсус лойиҳа асосида мажмуа қурилиши изчил давом эттирилмоқда.

Қувончлиси шуки, Дўстлик, Мирзачўл, Пахтакор туманларида ҳам хайрли тадбир қўллаб-қувватланди. Бу жойларда ҳам барпо этилаётган хиёбонлар атрофи ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилмоқда.

Б.НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири.

ЁЗ ТАШВИШИН БАҲОРДА ЎЙЛА

Мактабларда ўқув йили охирлаб бормоқда. Ҳадемай болаларни ёзги оромгоҳлар ўз бағрига олади. Қашқадарё вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ана шу муҳим тадбир, яъни оромгоҳларни ёзги таътил мавсумига тайёрлаш масаласи кўриб чиқилди. Уни вилоят ҳокими Б.Ҳамидов бошқарди.

Воҳада 27та болалар оромгоҳи мавжуд. Улар 20 майга қадар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, жиҳозланиб, дам олувчиларни қабул қилишга тахт қилиниши лозим. Оромгоҳларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун ҳозирданоқ мутасадди ташкилотлар шартномалар тузиб қўйиши керак. Фарзандларимиз ёзги дам олиш мавсумини кўнгилдагидек ўтказсин. Мириқиб, яйраб дам олсин. Йиғилишда шу ишга масъул раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгилаб олинди.

(ЎзА).

Тошкент шаҳар кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг 31 нафар фарзандига 310000 сўмлик мактаб ўқув қуроллари совға қилди.

РАҲБАР НИМА УЧУН ЖАЗОЛАНДИ?

Бугуннинг касаба уюшмалари

«Сурхондарёпочтаси» акционерлик жамияти раиси бешта энг кам иш ҳақи миқдорида маъмурий жавобгарликка тортилди. Раҳбарга нисбатан бундай жазо қўлланишига унинг ходимлар ва иш берувчи ўртасидаги тузилган жамоа шартномасига амал қилмагани сабаб бўлди. Касаба уюшмаси ва акционерлик жамият маъмурияти ўртасида тузилган шартномада ходимларга ижтимоий имтиёзлар бериш асослари ва уларнинг миқдори аниқ белгиланган. Бироқ жамият раҳбарияти маблағ тежаш баҳонасида бир томонлама тартибда шартномада кўзда тутилган тўловларни бекор қилган.

Мазкур жамоа раҳбариятининг ўзбошимча хатти-ҳаракатлари алоқа ходимлари касаба уюшмалари марказий қўмитасига маълум бўлгач, бу ерга ҳуқуқ инспекцияси вакиллари юборилди. Текшириш натижалари тартиббузарлик содир этилганини тасдиқлагач, акционерлик жамияти касаба уюшмаси раиси ҳам раҳбариятга қарши боролмай, меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмагани учун жазоланди.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари федерацияси таркибидаги 15 та соҳавий касаба уюшмасидан биридир. Уюшма соҳа меҳнаткашларининг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилишга доимий эътибор қаратиб келмоқда. Бозор шароитида нозу-неъматлар осмондан тушмайди. Ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, моддий ёрдам кўрсатиш учун пул ишлаб топиш керак. Буларнинг барчаси икки томонлама имзоланган махсус ҳужжатларда ўз аксини топган. Агарда бирон-бир банд бузилса, касаба уюшмаси қонун доирасида тезкор чоралар кўради.

«Сурхондарёпочтаси» акционерлик жамиятида ўтказилган текширув чоғида маъмурият Президент Фармони асосида энг кам иш ҳақи миқдорини оширишни тўрт ойга чўзганлиги ҳам аниқланди. Касаба уюшмаси марказий қўмитаси ўз фикрида қаттиқ туриб, акционерлик жамияти раҳбарияти зиммасига ушбу ойлар учун тафовутларни тўлашни юклади.

- Касаба уюшмамизда 53 мингдан ошиқ аъзо бор, - дейди меҳнаткашларнинг ушбу соҳавий уюшмаси раҳбари Т.Назаржонов. -Биз соҳа раҳбарияти, «Ўзбектелеком», «Ўзбекистон почтаси», «Матбуоттарқатувчи» акционерлик компаниялари ва бошқа алоқа бўлинмалари билан ижтимоий ҳамкорлик тамойиллари асосида ишламоқдамиз. Ходим ва иш берувчи ўртасидаги шартнома ҳамда жамоавий шартномалар ўзаро муносабатларимиз асосини ташкил этувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. Улар бузилган ҳолларда Касаба уюшмалари марказий қўмитаси сўзсиз меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

В. ДРАЧЁВ,
ЎзА мухбири.

АВВАЛ ВАТАН, КЕЙИН-ЖОН!



Буюк бобомиз Амир Темур таваллуд топган кун Тошкент вилояти чақирилувчилар пункти ота-оналар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар билан гавжум бўлди.

ҒУРУР

Маросим роппа-роса соат ўн бирда бошланди. У Зангиота тумани мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Рўзибек Қамбаровнинг Тошкент вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Раҳматулла Тошхўжаевга вилоят туманларидан муддатли ҳарбий хизматга жўнатилаётган чақирилувчилар тантанали митингда иштирок этиш учун саф тортишгани тўғрисидаги рапорти билан бошланди.

Тантанали митингни вилоят «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари Суяр Қурбонқулов қисқача кириш сўзи билан очди. Полковник Р.Тошхўжаев шу чоққача вилоятдан хизматга чақирилганларнинг барчаси ўз йигитлик бурчини шараф билан уддалаб, ёруғ юз билан ота-оналари бағрига омон-эсон қайтиб келишаётганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапирди. Айни чоғда хизматга жўнаётган ўғлонлар ҳам муваффақиятли хизмат қилишларига ишонч билдирди. Нуроний Нўъмон Насимов Ватанни ҳимоя қилиш муқаддас бурч эканлиги хусусида алоҳида тўхталди. Чақирилувчиларнинг оталари номидан Тангиберди Аширов, оналари номидан Муҳаббат Эсонбоевалар ўзларининг дил сўзларини ҳаяжонланиб изҳор этишди. Вилоят «Аскар оналари» қўмитаси раиси Лилия Симонян шу чоққача кўплаб ҳарбий қисмларда бўлганлигини, вилоят аскарлари тўғрисида фақат илиқ гапларни эшитиб келаётганлигини оналарга хос ғурур, қувонч билан баён этди. Тошкент вилоятидан оддий аскар Шокир Тоҳиров қалб сўзларини шундай изҳор қилди: «Ҳозирги пайтда ўз йигитлик бурчимни ўтамоқдаман. Жанговар техникани яхши ўргандим. Ҳарбий хизматда мен билан бирга маҳалладошларим, ҳамшаҳарларим ҳам хизмат қилишмоқда.

Азиз дўстлар, биз сизни сафимизга тезроқ қўшилишларингизни кутяпмиз».

Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Шуҳрат Маҳматуллаев «Биз ҳаммани ишонтириб айтамизки, ўз бурчимизни шараф билан бажарамиз», деди.

Маросим сўнгида чақирилувчилар минбар олдидан офицерлар раҳбарлигида илк бор шаҳдам қадамлар ташлаб ўтишди.

Минбар олдидан ўтаётган бақувват ўғлонларга қараб, уларнинг диллари чексиз қувонч ва ҳаяжонга тўла эканлигини, айниқса, эр етиб, Ватан корига, мудофаасига яраган, азиз Ўзбекистонимизни кўз қорачиғидек асрашга шайланган севимли фарзандларига омад тилаган ота-оналарнинг қарашларида, ҳаракатларида фахр, ғурур ифодасини сезиш қийин эмасди.

Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
майор.

Баҳорги ҳарбий чақириқ

АСКАР БЎЛИШ ОСОНМАС

Қўшнимиз Олим ака тонг саҳарда ўрнидан турди-да юзқўлини совуқ сув билан чайганича набираси Темурбекни уйготди.

— Тур, болам, бугун ҳаётингда энг мўътабар кун. Тонгни, мунаввар қуёшни қарши ол. Мен эса сенга оқ фотиҳа тилайин.

Бобосининг «бугун ҳаётингдаги энг мўътабар кун» деганида ўзгача бир маъно бор эди, зотан шу куни ўн саккиз ёшли набираси тенгқур жўралари билан бирга ўз йигитлик бурчини адо этиш учун йўлга отланаётган эди.

Йигитлик бурчи, фарзандлик бурчи... Она ҳамда Ватан сўзларини бир-биридан асло ажратиб бўлмаганидек, бу икки тушунчани ҳам алоҳида-алоҳида тасаввур қилиш мумкин эмас.

Ҳар йили баҳор ва куз ойларида республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тўғрисида»ги Қарори эълон қилинади. Чақирилувчи ёшлар қаторлашиб тиббий кўрикдан ўта бошлайдилар. Ҳамманинг юзида ҳаяжон: ҳарбий хизматни ўташ учун қаерга ва қайси қўшин турига жўнатишаркин?

Ҳарбий хизмат — бу ҳар бир йигитнинг ҳаётида ҳеч нарсага қиёслаб бўлмайдиган чиниқиш мактаби. Бу мактабнинг тарбияси бошқача. У йигитни жисмонан ва руҳан чиниқтириш билан бирга Ватанни янада севишга, ота-онага меҳрибонроқ, ёру дўстга садоқатлироқ бўлишга ўргатади. Деярли ўн йилдан буён эса у йигитларимизни яна бир муқаддас нарсага — мустақиллигимизни қадрлаш ва уни кўз қорачиғидек ҳимоя қилишга ҳам ўргатмоқда.

Шу фикрни давом эттириб, бироз мулоҳаза юритиш мумкин. Халқимиз фарзандлари бундан 15-20 йиллар аввал ҳарбий хизматни Сибир тайгаларию совуқ денгизлар бағрида, қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган саҳрою даштларда ўташга мажбур бўлишарди. Замон шунақа эди. Энди эса ўғлонларимиз ўз она юртининг сарҳадларини, айтиш мумкинки, ўз уйларини қўриқлаяптилар. Бу нарсанинг ер билан осмонча фарқи бор. Мен, масалан, хизматни чет элда ўтаганим боис онам оғирлашганда етиб келолмаганим, у киши юрагида армон билан кетганини ҳали-ҳали изтироб билан эслайман. Энди-чи, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси керак бўлса, ҳарбийда хизмат қилаётган фарзандининг ёнига кўпи билан 10-12 соат давомида етиб бориши мумкин.

Фарқлаш керак бўлган яна бир муҳим масала бор. У ҳам бўлса — фарзандлик масъулиятининг бир эмас, ўн чандон ортганлигидир.

Бундан ярим аср муқаддам халқимизнинг севимли шоири «Билиб қўйки, сени Ватан кутади» деган жарангдор сатрларни ёзган эди. Бу оташин чақириқ бугунги кунда алоҳида урғу билан жарангламоқда.

... Олим ака Тошкентнинг Шимолий Темир йўл шоҳбекатида бир қатор бўлиб тизилган ҳолда поезд келишини кутиб турган чақирилувчилар орасидан ўз набирасини излаб топди. У Темурбекни бағрига маҳкам босди ва унинг забардаст елкасига кафтини қўйганича ҳазил аралаш деди: — ўзи армияга бормаган йигитларга оналар қизларини ҳам бермаётган эмишлар...

Шу пайт узоқдан поезднинг узундан-узоқ қичқириғи эшитилди. Бу поезд қичқириғи эмас, Ватан чақириғи эди гўё. Яна бир оташин шоиримизнинг ўтли сатрлари қулоқларимиз остида жаранглагандай бўлди:

Хайр, ўғлим, оқ йўл бўлсин.
Хайр, кўзим қораси...

Қ.СОБИРОВ.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

(«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси»нинг 52-моддасидан)

Старшина Жамшид Саидов асли бухоролик. У 1996 йилдан буён Қуролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаётир. Жамшид таниқли спортчи, эркин кураш бўйича спорт усталигига номзод. У моҳир сапёр эканлиги билан бирга моҳир мерган ҳамдир.

Старшина Саидовнинг қутлуғ мақсади бор. У ҳам бўлса, Тошкент Олий умумқўмондонлик ҳарбий билим юртида таҳсил кўриш.



Суратда: старшина Жамшид САИДОВ.

Н.ЮСУПОВ олган сурат.

Намунали «Ватанпарвар» ташкилотларида

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Ҳар йили Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг республика Марказий Кенгашида оммавий мудофаа ишларининг якунларини кўриб чиқиш одат тусига кириб қолган. Унда туман ташкилотлари ҳамда бошланғич ташкилотларнинг иш фаолиятига атрофлича баҳо берилади.

Бу йил Бухоро вилоятидаги ўзига хос нуфузга эга бўлган Жондор туманининг мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти биринчиликни эгаллади. У республика Марказий Кенгашининг Дипломи ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди.

Айтиб ўтиш жоизки, «Ватанпарвар» ташкилоти тумандаги ёшлар учун чинакам мардлик, фидойилик мактабига айланиб бормоқда. Ташкилот 2000 йилги «Шунқорлар» мусобақасида фахрли ўринлардан бирини эгаллади. Чирчиқ шаҳрида ўтказилган бу мусобақада ҳарбий таълим ўқитувчиси, бошланғич ташкилот раҳбари Ўлмас Темировнинг шогирдлари ўз иқтидорларини яққол намойиш қилдилар. Нишонга отиш, ҳарбийлаштирилган югуриш мусобақаларида 1-мактаб ёшлари фаоллик кўрсатдилар.

Бир қатор бошланғич ташкилотларда «Ёш чегарачилар клуби» фаолият кўрсатиб турибди. Кейинги бир ярим-икки йил давомида клубнинг юзлаб аъзолари спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича тоифали спортчилар даражасига кўтарилишди. Биргина 2-ихтисослашган мактаб-интернат бошланғич ташкилотида 23 нафар йигит-қизнинг 12 нафари спорт тоифасига эга.

«Ватан — саждагоҳ каби муқаддасдир!», «Қани, йигитлар!», «Ким чаққон?» танловларида эса 2-мактаб ёшлари ҳар галгидек ғолиб бўлишди. Улар «Ватанпарвар» ташкилотининг қимматбаҳо совғаларини қабул қилиб олдилар.

Тумандаги 50 та мактабда 20 мингдан зиёд ёшлар тарбия олмоқдалар. Ватан мудофаачиларининг ўринбосарлари мактаблардаги чақириққача тайёргарлик дарсларида топографик карта орқали ишлаш, жойларни аниқ топиш, компасдан фойдаланиш, граната улоқтириш, мерганлик сирларини эгаллаш машғулотларида қизиқиб иштирок этишяпти.

Бу ерда ёшларнинг техник касбларни ўрганишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Ғолиб ташкилотнинг яна бир хайрли иши ҳақида ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Айни шу ташкилот кўмагида тумандаги баъзи ҳудудларда тарбияси оғир болалар аниқланиб, улар техник тўгаракларга жалб этилаётир. Вилоят ташкилоти бу тажрибани ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти бўлғуси Ватан мудофаачиларини тарбиялайди. Унда таълим олган ёшлар кўп ўтмай ҳарбий бўлинмаларда ўз акаларининг ўринларини эгаллашади.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Ойнаи жаҳон ёнида

ҲАММАГА ЁҚҚАН МУЛОҚОТ

Ўтган якшанба куни Ўзбекистон ойнаи жаҳонининг мухлислари яхши бир туҳфага эга бўлдилар. Бир соатдан кўпроқ вақт давомида улар республика Мудофаа вазирлигининг масъул ходимлари билан телевидение орқали бевосита мулоқот олиб боришди. Телестудияга таклиф этилган бу ходимлар телетомашабинларни қизиқтираётган саволларга батафсил жавоб беришди. Бу саволлар турлича ва хилма-хил эди. Масалан, аввалги даврдаги ҳарбий хизмат билан ҳозиргисининг фарқи, кимлар қайси сабабларга кўра ҳарбий хизматдан озод қилиниши, муқобил (альтернатив) хизмат нима, кимлар мазкур хизмат турини ўтказа олади ва ҳоказо.

Мудофаа тизимининг, шунингдек республикамиздаги етакчи ҳуқуқ тартибот органларининг мутасадди раҳбарлари телетомашабинлардан тушган саволларнинг биронтасини бежавоб қолдирмадилар.

Дарҳақиқат, мана шундай баҳор ва кузги чақириқлар олдидан ўтказилаётган ошкора мулоқотлар армиямиз билан халқнинг бирлигини, узвий алоқасини мустаҳкамлайдиган яна бир омил бўлиб хизмат қилади.

С.ҚОДИРОВ.



Мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртларида ҳарбий таълим кафедралари мавжуд бўлиб, уларда чиниқаётган талабалар ўқишни тамомлагач, мустақил республикамиз офицери деган шарафли номга эга бўлишаётир.

Суратда: талаба Шуҳрат АКБАРОВ. У қисқа вақт давомида ҳарбий билимларни қунт билан эгаллаганлигини ўқув машқларида намойиш қилди.

И.НАЗАРОВ олган сурат.

Интилганга толе ёр

САМО ЛОЧИНИ

Тўйтепадан ҳарбий хизматга чақирилаётган ёшларнинг кўпчилиги учувчи бўлишни орзу қилади. Бунинг боиси бор: шу ерлик Камолиддин Худойберганов бир неча йил бўлиб қолди.

Камолиддин туғилган қишлоғи Тўйтепада тез-тез бўлиб туради, ёшлар билан учрашади. Йигитларнинг кўпчилиги унга қандай қилиб шу кунларда Ўзбекистонимиз осмонида ўз «пўлат қуши» билан парвоз қилиб, Ватан сарҳадларини қўриқлашда олдинги сафларда бораяпти. У Жиззах олий авиация билим юртини муваффақиятли тугаллаган. Самолёт штурвалига ўтирганига ҳам учувчи бўлиш мумкинлиги ҳақида савол беришади.

— Энг аввало инсон чиниққан бўлиши керак, — дейди Камолиддин, — фақат жисмонан бақувват йигитларгагина само ҳам, «пўлат қуш» ҳам бўйсунади. Замонавий техник билимлар, электроника, автоматизация ва ҳоказоларни билиш ҳам муҳим шартлардан бири.

Ўзбек йигитларидан биринчи бўлиб космосни забт этган космонавт Солижон Шарипов ҳам ҳарбийда хизмат қилиб, чиниқиш мактабини ўтагач, авиация ҳарбий билим юртига қабул қилинган эди. Камолиддин шу мисолни кўп такрорлайди.

Тўғри, ҳар бир чақирилувчининг ўз мақсади бўлади. Лекин уларнинг кўпчилиги келгусида учувчи бўлишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйганликлари тўйтепалик ота-оналарни қувонтирмоқда.

Ҳа, туман ёшлари учун Камолиддин намуна. «Биз учувчи акамизга ўхшагимиз келади» дейишади улар ва ҳар гал самода «пўлат қуш»лар парвоз қилганида кўкка ҳавас билан назар ташлаб қўйишади.

Х.АБДУЛЛАЕВ.

Яна пенсия хусусида
Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

САВОЛ: Ишлаб турган пенсионерларга бир йилда бир марта икки ойлик пенсияси тўлиқ тўланадими?

Меҳринисо АБДУЛЛАЕВА, Марғилон шаҳри.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи пенсионерларга тўланадиган пенсиялар ҳақида»ги ва 1995 йил 28 декабрдаги Фармонларида баён этилган.

Ушбу Фармонларга мувофиқ барча ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш иш жойидан қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

— иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга 100 фоиз;

— иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳарбий хизматни бажарган ва фронт ортида ишлаган шахсларга — 100 фоиз;

— I ва II-гуруҳ ногиронларига — 100 фоиз;

— Чернобил ҳалокати оқибатида азият чеккан шахсларга 100 фоиз, қолган барча ишловчи пенсионерларга тайинланган пенсиянинг 50 (эллик) фоизи миқдорида тўланади.

Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш Ўзбекистон Республикасининг Ижтимоий таъминот, Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати ва Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган ҳамда Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқланган ва 1995 йил 20 декабрда Адлия вазирлигидан 198-рақами билан давлат рўйхатидан ўтган «Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби» асосида амалга оширилади.

Ушбу «Тартиб»нинг 31-бандидаги меҳнат шартномаси бўйича вақтинча календар йил давомида икки ой муҳлатга ишлаётган пенсионерларга пенсия уларнинг яшаш жойидан тўлиқ тўланади. Бунда пенсионер бу икки ойда узлуксиз ишладими ёки танаффуслар билан ишладими, аҳамиятли эмас.

Меҳнат шартномаси муддати узайтирилган ёки пенсионер ҳақиқатан икки ойдан ортиқ ишлаган ҳолларда пенсия умумий асосларда тўланиши тўғрисида айтилган.

Бу ерда умумий асосларда деганда юқорида айтиб ўтилган Президент Фармони бўйича пенсияларини 100 (юз) фоиз олиш ҳуқуқига эга бўлган пенсионерлардан ташқари қолган барча ишлаётган пенсионерларнинг пенсиялари 50 (эллик) фоиз тўланиши кераклиги назарда тутилган. 2001 йилнинг 1 январига қадар амалиётда баъзи корхоналарда ишлаётган пенсионерларнинг меҳнат шартномаси муддати узайтирилган ёки пенсионерга ҳақиқатан икки ойдан ортиқ ишлаган ҳолларда ҳар йили бир марта 2 ойлик пенсиялари тўлиқ миқдорда тўланиб келинган. Бу нотўғри. Чунки ишловчи пенсионерларнинг пенсияларини тўлаш тўғрисида юқорида айтиб ўтилган «Тартиб»дан ташқари Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан бошқа ҳеч қандай ҳужжат рўйхатдан ўтмаган.

САВОЛ: Болаликдан ногирон бўлган шахслар вафот этганларида уларнинг оила аъзоларига дафн этиш нафақаси тўланадими?

Йўлдош РЎЗМЕТОВ, Боғот тумани, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги.

ЖАВОБ: Болаликдан ногиронларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 июндаги 319-сонли қарори билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширилади. Низомда нафақа олиш ҳуқуқига эга фуқаролар, нафақалар миқдори, нафақа тайинлаш учун мурожаат қилиш тартиби, нафақаларни тайинлаш тартиби ҳамда нафақаларни қайта ҳисоблаш тартиби кўрсатилган. Лекин нафақа олувчи фуқаро вафот этганда, оила аъзоларига дафн этиш нафақасини тўлаш назарда тутилмаган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОМОНИДАН РАТИФИКАЦИЯ ҚИЛИНГАН ХАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИНИНГ КОНВЕНЦИЯЛАРИ

135-конвенция Корхоналарда меҳнаткашлар вакилларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги 1971 йил Конвенция (қисқача мазмуни)

Конвенция қоидаларига мувофиқ «меҳнаткашларнинг вакиллари» атамаси миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ ёки амалиётда шундай деб тан олинган ва касаба уюшмаларининг вакиллари ёки сайлаб қўйилган лар берилади.

Миллий қонун ҳужжатлари ёки қоидалари, жамоа шартномалари, ҳакамлик ёки суд қарорлари ушбу Конвенцияда назарда тутилган ҳимоя қилиш ва имкониятлар ҳуқуқи тан олинадиган меҳнаткашлар вакилларининг тоифасини ёки тоифаларини белгилаши мумкин.

Конвенцияни амалга ошириш миллий қонун ҳужжатлари ёки қоидалари, жамоа шартномалари ёки миллий амалиётга мос бўлган бошқа ҳар қандай йўл воситасида таъминланиши мумкин.

Ўзбекистон КУФК меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимининг шархи.

Ушбу Конвенция Ўзбекистон Республикаси томонидан 1997 й. 30 августда ратификация қилинган.

Конвенция қоидалари «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунда (18-20 моддалари), Меҳнат кодексида, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда (9-модда), жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Жумладан, Меҳнат кодексининг 25-моддаси ходимларнинг вакиллик органлари аъзоларига ўзларининг вакиллик фаолиятларини амалга оширишлари муносабати билан иш берувчи томонидан бирон бир шаклдаги таъқиб қилинишдан ҳимоя этишни кафолатлайди.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга интизомий жазо беришга, улар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек вакиллик органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларни уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин икки йил давомида иш берувчининг ташаббуси билан маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди.

Вакиллик органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайлангани муносабати билан ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколати тугаганидан кейин аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаса, - аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Вакиллик органлари таркибига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунларда ёки жамоа шартномалари, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланадилар.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА



Саволингизга Ўзбекистон давлат муассасалари ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Орифжон ҒАЙНАЗАРОВ жавоб беради

САВОЛ: Ўн бир фарзандим бор. Ўн бир йил жамоа хўжалигида колхозчи бўлиб ишлаганман. Ҳозир ёшим элликда. Имтиёзли пенсияга чиқиш учун туман ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қилсам, улар 55 ёшдан, яъни яна беш йилдан кейин пенсияга чиқишим мумкинлигини айтишди.

Махфират КАРИМОВА, Жиззах тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунининг 12-моддасида умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар тоифаси кўрсатилган. Ушбу модданинг биринчи қисми, «з» бандига асосан беш ва ундан ортиқ фарзанд туққан ва уларни саккиз ёшгача тарбиялаган аёллар (болани парваришлаш учун кетган вақтни қўшиб) имтиёзли — 50 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун аёлнинг болани парваришлаш учун кетган вақтини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, камида 20 йил иш стажи бўлишлиги талаб этилади. Ёки болани парваришлаш учун кетган вақт қўшилмаганида, камида 15 йил бўлиши керак. Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, ҳар бир болани гўдакликдан 3 ёшга тўлгунга қадар парваришлаган давр кўпи билан 6 йилгача бўлган вақт иш стажига қўшиб ҳисобланади.

Сизнинг колхоздаги иш стажингиз 11 йилни ташкил этади. Болаларни парваришлаш учун кетган вақт — 6 йилни қўшиб ҳисоблаганда, жами 17 йилни ташкил этади. Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш керакки, Сиз имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга эмассиз. Туман ижтимоий таъминот бўлимидагиларнинг жавоби тўғри.

ҲУШЁРЛИК ҲАМИША ЗАРУР

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти темир йўллари кенгашининг ташаббуси билан Самарқанддаги темир йўл коллежида фавқулодда ҳолатларда тиббий хизмат кўрсатадиган кўнгилли санитар-дружиначиларининг минтақавий мусобақаси ўтказилди.

— Бу каби мусобақаларнинг аҳамияти катта, - дейди «Туркистон-пресс» мухбирига Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти Темир йўллари кенгашининг раиси Раъно Рустамбекова. — Чунки, кишиларимиз фавқулодда ҳолатларда эсанкирамасдан, тўғри ҳаракат қилишлари ўта муҳим. Бизнинг жамиятимиз бу йўлда бор имкониятини ишга солиб келаётир.

Беш босқичдан иборат бўлган беллашувларда кўнгилли санитарлар кийиниши, дори-дармондан фойдаланиш, жароҳатланганларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ярадорлар ва ҳалокатга учраганларни излаб топиш ҳамда воқеа жойидан олиб чиқиш, бўғувчи ва заҳарли газлар остида ишлаш, қисқаси, фалокат пайтида зарур бўладиган юмушларни адо этишди.

Мусобақада «Ўзбекистон Темир йўллари» компаниясининг Тошкент, Андижон, Фарғона ва Самарқанд бўлимларининг санитар-дружиначилари иштирок этишди.

«Туркистон-пресс»



Аҳолининг ҳуқуқий билимини, маданиятини юксалтириш демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги бирламчи омилдир. Айниқса, ёшлар ўртасида ушбу мақсадга эришиш жуда муҳимдир.

Бугунги кунда Бўка туманидаги Агросаноат коллежида 1150 нафар талаба таҳсил олмоқда. Шу даврга қадар ушбу коллежда 5750 нафар ёш мутахассис тайёрланди.

Суратларда: коллежнинг II-курс талабалари маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Абдунаби Маннопов билан;

Шеробод тумани тиббиёт коллежининг аълочи талабаси Севара Шодиева.

Д.АҲМАД ва Р.АКБАРАЛИЕВ олган суратлар

ЁШЛАР СЕВГАН МАРКАЗ

Андижон шаҳридаги А.Чўлпон номли кинотеатр негизида вояга етмаганлар учун ҳуқуқий марказ ташкил этилди. Марказ ўз фаолиятини «Андижонкиновидео» акционерлик жамияти билан ҳамкорликда амалга оширади. Жамият ёшлар марказини жиҳозлаш, гиёҳвандлик, экстремизм ва террорчиликка қарши йўналтирилган махсус адабиётлар, ҳужжатли ва бадиий филмлар билан таъминлашда ёрдам кўрсатиб келмоқда. Бу ерда мунтазам равишда олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ўқув юртлари ва мактаблар ўқувчилари иштирокида машғулотлар ўтказилаётир. Шифокорлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари олиб бораётган бундай машғулотларда ҳозиргача 3 минг тингловчи иштирок этди.

(ЎзА).

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

ЎЗ АРИЗАСИГА КЎРА...

Демократик-ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан комил ишонч билан боряпмиз. Мамлакатимизда, ҳар бир жамоада қонун устуворлигига эришиш йўлида саъй-ҳаракатлар кетмоқда. Равшанки, мақсадга эришиш учун ҳар бир фуқаро ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши, қонунга суяниши даркор. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, республикамизда амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсати, мустақиллик шарофати туфайли одамларимизда ўзликни англаш, миллий ғурур кучайди. Улар бахтимиз қомуси — Конституциямизда қонун йўли билан мустаҳкамлаб берилган ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда улуғ ишларни амалга оширмоқдалар. Айни пайтда фуқаролар жамиятимизда рўй бераётган баъзи камчиликларга қарши муросасиз курашиб, муаммоларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшишга интилишмоқда.

Бироқ таҳририятимизга келаётган баъзи шикоят хатлари шуни англатадики, айрим раҳбару мутахассисларнинг ўзлари қонунларимизни яхши билишмайди, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ожизлик қилишяпти. Шикоятчи куйиниб ёзган қуйидаги сатрларга эътибор қилайлик: «1978 йилда Сирдарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармасида, бир йил кейин эса шу бошқарма йўлланмаси билан Гулистон тумани ижтимоий таъминот бўлимида йўриқчи вазифасида ишладим. Кейинчалик бўлим бошлиғи ўринбосари, 1993 йилдан эса шу бўлим раҳбари сифатида фаолият юритдим. Қўлимдан келганча виждонан ишлашга ҳаракат қилдим. «Ижтимоий таъминот аълочиси» нишони билан тақдирландим. Бироқ тўрт ойдирки, ишсизман. Шу йилнинг 13 январида вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи А.Исломов келиб, ўрнимга бошқа кишини тайинлаб кетди...»

Меҳнаткашлар манфаати, ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси бўлмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси газетасининг вакили сифатида масалага ойдинлик киритиш мақсадида вилоят меҳнат ва ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Исломов ҳузурига бордик.

— Мунтазам равишда нафақа пуллари тарқатилиши устидан назоратни йўлга қўймаганлиги, бу борада туман ҳокимлиги, тижорат банклари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритмаганлиги учун Кенгаш қарорига кўра уни эгаллаб турган вазифасидан бўшатдик, - деди у. - Қолаверса, А.Эсиргаповнинг ўзи ишдан озод этишни сўраб туман ҳокимига мурожаат қилган.

Бир қарашда изоҳга ҳожат йўқ. Бироқ соҳа мутасаддилари, мутахассислар билан бўлган савол-жавоблар кишини ўйлашга, мушоҳада юритишга ундайди. Жумладан, бизга тақдим этилган ҳисобот ҳужжатларидан маълум бўлдики, Гулистон туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари ўз вазифаларини бир маромда бажариб келишган. Эътирозлар бўлмаган. Шу боис бўлса керак, жорий йилнинг 29 январида, яъни А.Эсиргапов вазифасидан бўшатилгандан сўнг, кўп ўтмай бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари йиғилишиб, унга нисбатан адолатсизлик қилинганлигини таъкидлашди. 23 киши имзо чеккан хатда шундай сатрлар бор: «Нафақаларни ўз вақтида олардик. А.Эсиргапов ҳар биримиздан тез-тез хабар олиб турарди. Бирон марта бўлсин, нафақани кечикиб олганлигимизни эслолмаймиз. Вилоят, туман ҳокимлиги, вилоят ижтимоий таъминот бошқармасидан уни ўз ўрнига тиклашни сўраймиз».

Хўш, қайси фикр тўғри? Яна бир мулоҳазали гап. Вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси кенгаши қарорига кўра, А.Эсиргапов 12 декабрда вазифасидан озод этилган бўлса-да, у жорий йилнинг 13 январигача, яъни бир ой шу вазифада ишлаб, ҳақ олган. Бўлимдаги 19 нафар ходим: раҳбаримизнинг ишдан бўшатилганлигини 13 январ куни эшитдик, бунгача бизни ҳеч ким огоҳлантирмади, дея таажжубланишди.

Охири калаванинг учи топилгандай бўлди. Очиғини айтганда, баъзи ўринларда ҳамон эскича ишлаш, мен раҳбарман, меники тўғри, қабилида иш юритиш адолатсизликларга, камчиликларнинг юзага келишига сабаб бўляпти. Маълум бўлишича, Гулистон тумани ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи қишлоқ хўжалик ишларига ҳам жалб қилинган. Жумладан, у ўтган йили туман ҳокимининг кўрсатмасига кўра, «Боёвут» жамоа хўжалигида ҳокимлик вакили сифатида ҳаракат қилган. Унга чигит экиш қандай бораётганлигини қатъий назорат қилиш топширилган экан... Кутилмаганда трактор бузилиб қолади, унга керакли қисмлар топиб юргизиш учун учтўрт соат вақт кетади. Натижада А.Эсиргапов, яна уч ташкилот раҳбари ҳокимиятдаги йиғилишга 15 дақиқа кечикиб борган. Ўшанда туман ҳокими тўртталамиздан ўз хоҳишимизга биноан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзиб беришимизни талаб этди, - дея таъкидлайди жабрланувчи.

Туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи кеч қолганлигининг сабабини тушунтириш, ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўрнига ариза ёзиб қўя қолди. Бироқ ўз вазифасини бажариб юраверди. Таажжубки, орадан тўққиз ой ўтгач, яъни ўтган йилнинг 1 декабрида туман ҳокими М.Игамназаров унинг аризасини қаноатлантирганлигини маълум қилди. Шунда А.Эсиргапов бир неча бор туман раҳбари қабулида бўлди. Аммо ишдан бўшатилганлик тўғрисидаги на буйруқ нусхасини, на бирор жўяли гап ололди. Ходимлар адолатли саволни кўндаланг қўйишмоқда. Туман ҳокими ижтимоий таъминот бўлими бошлиғини ишдан бўшатишга ҳақлими? Агар шундай ваколатга эга бўлганда ҳам нега унинг аризаси бир ой мобайнида эмас, балки орадан тўққиз ой ўтгандан сўнг қаноатлантирилди?!

Биз ҳам шуларни таъкидлаганимизда, ҳокимиятдагилар нима дейишларини билмай қолишди. Таҳририятга йўлланган мазкур шикоят хати бўйича кимга, қаерга учрашмайлик, Меҳнат қонуни талаблари қўпол равишда бузилганлигини таъкидлашди. Сирдарёдаги тегишли идора ва ташкилотларнинг мутасаддилари инсон тақдирига, мутахассис тақдирига масъулият билан ёндошиб, адолатли тўхтамга келадилар, деган умиддамиз.

А.ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири.

Касаба уюшма спорти

ЮТУҚЛАР БОР ДЕЙИШАДИ

Бироқ икки йил мобайнида Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор туманларида бир нафар ҳам разряд эгаси ёки спорт усталигига номзод тайёрланмагани ажабланарли

Жиззах вилоят касаба уюшмалари Кенгаши йиғилишида жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг қуйи ташкилотлар билан ҳамкорликда жойларда оммавийлик юзасидан муайян ишларни амалга ошираётганлиги таъкидланди.

Бугунги кунда вилоятда 12 та туман жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд 318 та жисмоний тарбия жамоасида 3952 нафар, соғломлаштириш гуруҳларида 1223 нафар киши машғулотлар олиб бормоқда. Улар ихтиёрига 231 та спорт майдончаси бериб қўйилган.

Тизимдаги 4 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 950 дан зиёд ўқувчилар спортнинг етти тури бўйича мунтазам шуғулланиб келишади. Мазкур БЎСМ лар асосан спортнинг футбол, кураш, енгил атлетика, сузиш турларига йўналтирилган.

Вилоятда сўнгги икки йил давомида 100 га яқин 1-разрядли спортчи, 66 нафар спорт устозлигига номзод, 10 нафар спорт устаси етишиб чиқди.

Республика миқёсида ўтказиб келинаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари Кенгаши соврини учун миллий кураш бўйича биринчилик, талабалар универсиадаси, қишлоқ меҳнаткашлари ўртасидаги «Олтин бошоқ» ва «Оқ олтин» турнирларида вилоят вакиллари фаол қатнашиб келишяпти.

Айниқса, Зафаробод, Жиззах туманларида меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, оммавийликни ошириш борасида ўзига хос тажрибалар тўпланган.

Бироқ, вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, қишлоқ шароитида спортни ривожлантириш, аҳолини, айниқса, ёшларни спорт клубларига жалб этишга етарлича эътибор берилмаётир. Туман спорт жамиятларининг тармоқ касаба уюшмалари билан алоқаси етарли эмаслиги қуйи ташкилотларда турли мусобақаларни амалда ташкил этилмаслигига сабаб бўлмоқда. Арнасой, Дўстлик, Мирзачўл туманларидаги спорт майдончаларининг аксарияти эътиборсизлик туфайли ачинарли аҳволга келиб қолган. Мазкур туманларда спорт тадбирлари мавсумий тарзда ўтказилмоқда, холос. Кўпгина хўжаликларда спорт йўриқчилари штатлари асоссиз тарзда қисқартириб юборилган. Жамият томонидан жойлардаги жамоаларга амалий ёрдам бериш, улар фаолиятини ўрганиш кўнгилдагидек ташкил этилмаганлиги республика миқёсида мусобақаларга қатнашувчилар сафи фақатгина шаҳардаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари ҳисобидан тўлдирилишига олиб келмоқдаки, бу билан асло муроса қилиб бўлмайди.

Диққатингизни яна бир фактга қаратмоқчимиз. Буни қарангки, сўнгги икки йил давомида Бахмал, Ғаллаорол, Зарбдор туманларида бир нафар ҳам разряда эса айнан меҳнаткашларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, улар ўртасида мусобақалар ташкил этиш каби долзарб масалалар ўз аксини топмаган.

Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, спорт оммавийлигини ошириш бўйича юқори ташкилотларда қабул қилинган қарор, низом ва расмий ҳужжатлар қуйи жамиятларга ўз вақтида етказилмаётганлиги ҳам ишга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раёсат йиғилиши масалани атрофлича муҳокама қилар экан, мазкур камчилик ва муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Абдуманнап АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.

Юзма-юз мулоқот

ВЛАДИМИР САЛЬКОВ: САРАЛАШ ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРМИЗ

Ҳар тўрт йилда ўтказиладиган жаҳон чемпионатида тўп суриш ҳар бир футболчи учун муқаддас орзу. Терма жамоа учун эса юксак шарафдир.

Куни кеча Ўзбекистон футбол Федерацияси раҳбарияти, терма жамоамиз мураббийлари ва спорт журналистлари иштирокида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шулар хусусида сўз борди.

Анжуманда Ўзбекистон терма жамоасининг Бош мураббийи Владимир Сальков саралаш турнирига тайёргарлик юзасидан ахборот берди ва барча шарт-шароитлар яратиб берилганлигини, бинобарин, Исроил, Болгария ва Германияда ўтказилган ўқув-машқ йиғинларига эътиборини қаратди. Йил бошидан буён олтмишга яқин футболчи синовдан ўтказилиб, ҳозирда улар орасидан энг муносиб 25 нафари саралаб олинди. Афсуски, М.Шацких, А.Федоров, П.Бугало ва Б. Ашурматов каби етакчи ўйинчилар жароҳатлари туфайли таркибга кирмай қолдилар.

Тайёргарлик босқичлари давомида терма жамоамиз аъзоларининг руҳий ва жисмоний жиҳатларини кучайтириш диққат марказда турди. Шу билан бирга гуруҳдаги асосий рақибларимиз — Туркманистон ва Иордания терма жамоалари тўғрисида батафсил маълумот тўплашга ҳаракат қилинди.

ФИФА тартиб-қоидаларига мос равишда ва жаҳон амалиётида қўлланилаётган усулдан фойдаланган ҳолда Болгариянинг «Левски» жамоасининг ўйинчилари — мамлакат чемпиони ва Кубогининг соҳиблари бўлмиш ҳимоячи Алексей Дионисев ва икки марта Болгария чемпионатининг энг сермаҳсул тўпурари бўлган марказий ҳужумчи Георгий Георгиевлар Ўзбекистон фуқаролигини қабул қилганликлари боис саралаш ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган бўлдилар. Россиялик ҳимоячи Олег Пашинин ва ярим ҳимоячи Владимир Маминовлар ҳам шундай тартибда терма жамоамиз сафларини кучайтирдилар.

Тадбирда қатнашган А.Дионисев ва Г.Георгиевлар журналистлар саволларига жавоб қайтариб, саралаш ўйинларида муваффақиятга эришишни таъминлаш учун бой тажрибалари ва бор маҳоратларини ишга солажакларини айтдилар. Уларга 55 ва 9 рақамлари туширилган футболкалари топширилди.

Матбуот анжумани чоғида Ўзбекистон футбол Федерациясининг бош котиби Бахтиёр Раҳимов, Осиё футбол Конфедерациясининг эксперти, Республика футбол Федерациясининг техник директори Рустам Акромовлар журналистларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтаришди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

СПОРТ СОҒЛОМ АВЛОД ХИЗМАТИДА

Фахр

ЧЕМПИОНЛАР ШУ ЕРДА ВОЯГА ЕТАДИ

Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг ташкил этилганига яқинда 40 йил тўлади. Бу сана ўқув маскани учун ўзига хос сарҳисоб ҳамдир. Ўтган давр мобайнида бу ерда 7 мингдан ортиқ спортчи тайёрланди. Улар орасида 15 дан зиёд хизмат кўрсатган, 180 дан ортиқ халқаро тоифадаги ва кўплаб спорт усталари бор. Олимпия ўйинлари, Жаҳон ва Осиё чемпионатлари ғолиб ва совриндорлари эса аллақачон эл фахрига айланишган.

Айни чоғда билим юртида спортнинг 17 тури бўйича 600 нафар талаба таълим олмоқда. 90 дан ортиқ талаба Ўзбекистон терма жамоалари аъзоси ва 270 нафари эса терма жамоа аъзолигига номзодлар ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда таҳсил олаётган талабаларнинг 70 фоизи Республикамиз терма жамоалари аъзоларидир.

Рината Галимова, Оксана Чусовитина, Екатерина Хилько, Зафар Очилов, Шермуҳаммад Кўзиев сингари таниқли спортчи — собиқ талабалар мазкур билим юртининг фахри саналади.

Албатта бундай муваффақиятлар замири тинимсиз машғулотлар, изланишлар билан чамбарчасдир. Билим юртида яратилган шароитнинг замон талабларига мувофиқлиги таълим жараёнига муайян ўзгаришлар ясамоқда. Шунингдек, унда юқори малакали профессор-ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат қилиши яхши натижа бермоқда.

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Мамлакат чемпионати

«ПАХТАКОР»ДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Гоҳ ранжиш, гоҳ қониқиш ила ўйинларини кузатиб келаётганимиз «Пахтакор» мавсумнинг энг масъулиятли имтиҳонларининг биридан муваффақиятли ўтди. Кимсан, мамлакат чемпиони «Дўстлик» билан бўлган учрашувда янгиланган таркиб ва янги бош мураббий бу йил чиндан-да машҳур жамоани илгариги мавқеи даражасига кўтариш учун анчайин имкониятларга эга эканлигини исботлай билди. Буни ҳисоб ҳам айтиб турибди — 3:1

Гарчанд биринчи гол вилоят клуби ҳимоячиларининг кўпол хатосидан сўнг Мухтор Курбонов томонидан амалга оширилган бўлса-да, дарвозага киритилган қолган тўпларни фақат «Пахтакор» ҳужум чизиғидаги мутаносиб ҳаракат билан изоҳлаш мумкин. Ниҳоят биз кўпдан орзу қилиб келаётганимиз футболнинг қайсидир қирраларини бевосита кўргандек таассуротга эга бўлдик.

Чемпионликка яна бир даъвогар «Насаф» ҳам ўз майдонида Жаҳон чемпионати саралаш мусобақалари муносабати билан кўчирилган муҳим учрашувни ўтказди. Бу ерда ҳам ўйин кескин курашлар остида ўтди. Бундай пайтларда кўп бор кузатганимиз манзара — бир томнинг ҳужуми-ю иккинчи томоннинг зўр бериб ҳимояланиши натижаси ўлароқ, майдонда бироз асабий ҳолатлар сезилиб турди. Бир неча хавфли зарбаларни даф этган ҳар икки дарвозабон барибир охир оқибатда тўрдан тўп олиб чиқишга мажбур бўлишди. Ҳисоб — 3:1

Бу ўйиндан сўнг «Насаф» яна карвонбоши бўлиб олган бўлса ҳам, амалда йўқотилган очколларга кўра у «Нефтчи»дан бир хол ортда қолмоқда.

Турнинг қолган учрашувлари 21 апрел куни бўлиб ўтади.

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Жамоалар	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1.«Насаф»	7	6	0	1	15-4	18
2.«Нефтчи»	6	5	1	0	19-5	16
3.«Пахтакор»	6	5	0	1	17-5	15
4.«Дўстлик»	7	4	0	3	15-11	12
5.«Трактор»	7	4	0	3	12-11	12
6.«Академия»	6	3	1	2	11-9	10
7.«Бухоро»	6	3	0	3	11-8	9
8.«Навбаҳор»	5	3	0	2	9-7	9
9.«Қизилқум»	6	3	0	3	3-5	9
10.«Самарқанд-Д»	5	3	0	2	10-11	9
11.«Зарафшон»	6	2	1	3	11-9	7
12.«Сурхон»	6	2	0	4	9-14	6
13.«Кимёгар»	6	2	0	4	6-12	6
14.«Турон»	6	2	0	4	4-11	6
15.«Металлург»	5	1	1	3	5-11	4
16.«Андижон»	6	1	1	4	5-13	4
17.«Сўғдиёна»	5	1	0	4	3-10	3
18.«Семург»	5	0	1	4	1-9	1

Хушхабарнинг қаноти бор

ҲАМЮРТИМИЗ ҒАЛАБАСИ

Америка Қўшма Штатларининг Атланта шаҳрида куролдан ўқ отиш бўйича жаҳон кубогининг биринчи босқичига старт берилди. Унда 200 нафардан ошиқ спортчи иштирок этмоқда. Ҳамма учун кутилмаганда ВП-6 машқини бажаришда ўзбекистонлик Дилшод Мухторов ажойиб ғалабани қўлга киритиб, биринчи ўринни эгаллади.

Ушбу ғалаба билан Дилшод Мухторов жаҳон кубогининг келгуси босқичида мусобақаларни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлди.

Намангандаги «Паҳлавон» спорт мажмуи мустақиллик иншоотлари сирасига киради. Барча қулайликларга эга ушбу спорт саройи доим спортчилару ишқибозлар билан гавжум.

И.ҲАСАНОВ олган сурат.

Кучлилар сараланди

Фарғонада велоспорт бўйича Республика чемпионати мусобақаларига якун ясалди. Унда мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган энг сара велопойгачилар ўзаро куч синашди.

Беллашувнинг 25 километрли якка пойгачилар баҳсида сирдарёлик Дамир Иратовга тенг келадиган топилмади. Бир юз йигирма олти километр масофадаги гуруҳ пойгачилари беллашувида яна бир Сирдарё вилояти вакили Юрий Плюхин марра чизиғини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Олтмиш километрдаги айланма ҳаракатли мусобақаларда тошкентлик Равил Муқимов ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Велосипедчи қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам кўпчиликда катта таассурот қолдирди. 15 ва 12 километрли пойгада тошкентлик Бахтинисо Сафарова ҳамда Евгения Макарова дугоналаридан устун эканлигини кўрсатди.

Юлдузлар ҳақида ҳикоялар

ПЕЛЕНИНГ 1000 – ГОЛИ

Машҳур футболчи тарихда ҳеч ким эришмаган бу ғалабасини болаларга бағишлади

Эдсон Арантес до Насименто Пеле. Ўзининг такрорланмас маҳорати билан футболни миллионлар севадиган ўйин даражасига кўтарган бу ажойиб инсон номини тилга ола туриб беихтиёр юрагимизда бир энтиқиш ҳис қиламиз, қачон бизнинг ҳам ўз «Пеле»миз бўлади? Айниқса, бу фикр жаҳон чемпионати саралаш ўйинлари олдидан ғоят долзарб туюлади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган парча таниқли журналист Игорь Фесуненконинг «Бразилия футболи ҳақида етти репортаж» туркумидан олинди. Зора ушбуни ўқиб ёш футболчиларимиз ўз маҳоратларини ошириш устида янада зўр ғайрат кўрсатсалар...

1969 йилнинг ноябри. Пеле тўп сураётган «Сантос» жамоаси бу пайтда «Кумуш соврин» турнирида қатнашар, чемпионатда иштирок этарди. Пеленинг киритган тўплари мингтага яқинлашгани сайин аниқроғи, 998-тўп урилгандан кейин «Сантос» изидан фоторепортёрлар, кино ва телеоператорларнинг бутун бир гуруҳи эргашиб юрадиган бўлди.

Пеле 999-тўпни киритганида Бразилия матбуотини тасаввур қилиб бўлмайдиган ҳаяжон қамраб олди. «Сантос» навбатдаги учрашувни Байя штатининг пойтахти Сальвадорда ўтказиши керак эди. Мамлакат журналистларининг энг катта гуруҳи Сальвадорга йўл олди. Лекин, минг афсуски, «қирол»га бу гал рақиб дарвозасини забт этиш насиб этмади. Пеленинг мингинчи голи шарафига Байя штатининг губернатори буйруғи билан бронзадан тайёрланган ёдгорлик лавҳаси «ўйиндан ташқари»да қолди. «Сантос» навбатдаги матчни 19 ноябрда ўз майдони — «Маракана»да ўтказиши керак эди. Рио-де-Женейро губернатори байялик ҳамкасбининг омадсизлигига ҳам қарамасдан ёдгорлик лавҳаси тайёрлашни буюрди. Билетлар сотилиши ўйингоҳ маъмурияти кутганидан ҳам ошиб кетди. Телевидение эрталабдан Пеленинг энг чиройли голларини намойиш эта бошлади. Газета ва журналларда 999 та гол тарихи тўғрисида мақолалар эълон қилинди.

(Давоми бор)

Тож талабгорлари

ФЛОР

Унинг жаҳон биринчилиги учун Алехин билан ўтказиладиган матчи ҳал қилинган масала бўлиб, фақатгина расмиятчилик қолган эди, холос. Бироқ кутилмаган воқеа юз берди: фашистлар Германияси Чехословакияни босиб олди ва тез орада иккинчи жаҳон уруши бошланди. Флор уйсиз-жойсиз қолди. У Европани дарбадар кезади. Шу ҳолда матч ўйнаб бўларканми?!

Уларнинг баҳси нима билан тугашини айтиш қийин эди. Чунки кўп йиллик шахмат рақобати гоҳ униси, гоҳ буниси илгарилаб кетувчи пойгани эслатарди. 1932 йили Лондонда Флор Алехиндан кейин 2-ўринни эгаллади. Бир неча ойдан сўнг Бернда худди шундай натижа такрорланди. Лекин Гастингсда (1933-34) уларнинг жойи алмашади. Цюрихда эса (1934) Алехин тағин Флорнинг олдида, аммо Подебради (1936) ва Кемеридаги (1937) турнирларда Флор реванш олди. Шундай қилиб улар ҳамма вақт ёнма-ён.

Флор эркин ва бемалол ўйнар, ҳужум қилишни яхши кўрарди. Унинг партияларида комбинациялар, қурбонлар кўп бўларди. Прага газеталарининг мухбири сифатида турнирларга бориб ажойиб репортажлар ёзиб, кўнгил учун шахмат ўйнаб юрган даврлардагина у шундай ўйнарди. Ўзига хос озодлик унга бирдан муваффақиятга эришиш имконини берди. Рогашска-Систинада (1929) ўтган турнирдаги халқаро дебюти унга мастерлик унвонини келтирди. У маррага Рубинштейндан кейин иккинчи бўлиб, лекин Мизесдан олдин етиб келди. Келгуси йили эса Флор Гамбургдаги III Олимпиадада Чехия командасига бошчилик қилган эди. У 1 тахтада 17 тадан 14 1/2 очко олиб, пешқадамлик вазифасини қойилмақом адо этди.

Лекин ҳар қалай у профессионаллик йўлига киришга ботинмади: вужудида икки одам — журналист ва шахматчи курашарди. Баъзан улар ўзаро чиқишиб кетардилар, баъзан эса уларнинг талаб-истаклари ҳаддан зиёд қаттиқ тўқнашарди. Оқибат натижада шахматчи ғолиб чиқди. Флорнинг ўйин услуби астасекин ўзгара борди: профессионал шахматчининг эрмак учун ўйнашга ҳаққи йўқ. У қандай қилиб ишни яхшироқ бажариш, гонорар олиш устида ўйламоғи даркор, чунки, моддий фаровонлиги шунга боғлиқ. Ҳистуйғудан мулоҳаза устун келади, унинг партияларида қалтислик, ҳужумкор комбинациялар камдан-кам учрайдиган бўлиб қолади. Энди Флор осойишта ўйинларга, эндшпилга интиладики, бунда унинг маҳорати айниқса юқори эди.

Агар бошқалар услубни бузиб фожеага йўлиққан бўлсалар, Флорга бу нарса аксинча, кўплаб ажойиб муваффақиятлар келтирди.

Машҳур Гастингс турнирларида (1931-1935) қатор ғалабалар, Москвадаги халқаро турнирда (1935) Ботвинник билан 1-2 ўринлар, Барселонада ҳам худди шундай натижа, Штольц ва Султонхон билан бўлган матчларда ғалаба, Эйве ва Ботвинник билан бўлган матчларда дурангга эришди.

Флор 1983 йилда 18 июл куни Москвада вафот этди.

Мамажон МУҲИТДИНОВ.

МАРОҚЛИ МАШҚЛАР

Иккала масалада ҳам оқлар бошлаб 3 юришда мот қилади.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасига қарашли хўжалик субъектини рўйхатга олиш давлат регистрига киргизиш тўғрисидаги 1993 йил 13 августда статистика идоралари томонидан берилган №31 (051) рақамли гувоҳнома йўқолганлиги туфайли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилоят Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма қўмитаси ва раёсати Данғара тумани касаба уюшма Кенгаши раиси Махфират Каримовага турмуш ўртоғи **Валижон АБДУЛЛАЕВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирфозил Олимов, Мирзоҳид Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар ва реклама, эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.50

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи; 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 2224. 1 2 3 4 5 6